

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МАХСУС
МЕТОДИКАСИ
[маърузалар матни]

Тузувчи: уқитувчи З.Аҳмедова

ТОШКЕНТ – 2004

Мавзу : Махсус мактабда тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифалари

Режа :

1. Тарбиявий иш методикаси, фанининг мақсад ва вазифаси.
2. ТИМ фанининг коррекцион йуналтирилганлиги.

Адабиётлар :

1. О.Тураева, К.Мамедов - Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси.
2. А.Сағатов, Л.Пулатова - Олигофренопедагогика асослари.
3. В.Мачихина - Воспитательная работа во вспомогательной школе.

1. Тарбия назарияси янги инсон шакллантиришнинг умумий қонуниятларининг очиб берувчи етакчи илмий ғоялар тизимидан иборат. Тарбия назарияси тарбиянинг мазмуни унинг болалар ёшига боғлиқлиги ўқувчиларнинг мактабдан ташқари ишлари мактаб оила меҳнат жамоалари бола тарбиясидаги биргаликдаги ишлари мазмунини очиб беради. Тарбия назарияси ва усуллари мактаблардаги тарбиявий фаолиятининг илмий асосини ташкил этади. Махсус мактабларда тарбиялаб таълим бериш ва билим бериб тарбиялаш жуда зарур. Тарбия жараёнининг асосий мақсади ҳар томонлама етук уйғун, камол топган шахсни шакллантиришдир. Етук шахс тарбиялаш тарбиянинг якуний мақсади. Шахс тарбиясида атрофлича ёндошиш объектив равишда ақлий, ғоявий ахлоқий, меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбия бирлигини ўқувчилар онги, хулқ-атвори ва фаолиятининг бирлигини тарбия жараёнида ташкил этишнинг индивидуал, гуруҳди ва оммавий шакллари қўшиб олиб боришни таъминлайдиган педагогик тизимларнинг вужудга келтиришни ҳамда тизимларнинг амал қилишни талаб этади. Тарбия жараёни шахснинг ижтимоий қадрли фазилатларни шакллантиришга унинг атрофга одамларга ўзига нисбатан муносабатлари доирасини вужудга келтиришга қаратилган. Тарбия узоқ давом этадиган ва аслида узлуксиз жараён бўлиб, бу жараён бола мактабга келишидан илгарийёқ бошланади. Ҳамда бутун умр бўйи давом этади. Тарбия жараёни, қайта тарбиялаш боланинг атроф-муҳитда у ёки бу ҳодисалар билан салбий алоқаси атроф-муҳит натижасида вужудга келаётган муносабатлар ва шахс хусусиятларини бартараф этиш билан қўшиб олиб борилади. Юксак даражага эришадиган тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш вазифасини бажарадиган тарбиядир. Тарбия бу деалектик жараёндир.

2. Тарбия воситаларининг ҳеч бири доимий була олмайди. Чунки бола ўзгариб ривожланиб мураккаблашиб боради. Тарбия жараёнининг характерлантирувчи кучи билан зиддиятлар ташқи ва ички бўлиши мумкин. Ташқи зиддиятлар объектив мавжуд бўлган нарса билан атрофдаги кишилар юриш-туриш ўртасидаги

номувофиқликда, тафовутда намоён бўлади. Тарбия жараёнининг ташқи зиддиятларидан бир ташқи талаблар билан ақли заиф ўқувчининг ўз хулқ-атвори ўртасидаги зиддиятдир. Ақли заиф боланинг характерли хусусияти унинг реал имкониятлари билан жамият томонидан унинг хулқ-атвори ва фаолиятига қўйилган талаб ўртасида тарбияланувчининг муносабати билан унинг мустақилликка иктилиш ўртасидаги зиддиятлардан иборат. Инсоннинг шахс сифатида камол топишдаги асосий манбалардан бири талаблар билан уларни қондириш усуллари ўртасидаги зиддиятдир. Шу хусусиятлар инобатта олган ҳолда тарбиячи боланинг индивидуал хусусиятларини инобатта олган ҳолда болага ёндошиш керак. Бунда боланинг билиш фаолиятининг ўзига хослиги, боланинг эмоционал иродавий соҳасининг ўзига хослиги характернинг ҳосил бўлишини ўзига хослиги билан аниқланади. Характердаги камчиликлар билан боғланган хусусиятлар инобатта олинади. Тарбия орқали ақли заиф ва нутқида нуқсонли бор болада бор бўлган психо-физик камчиликларни коррекциялашдан иборат. Бола катталари орасида узини тута билиши ўз кучига ва билимига ишонч ҳосил қилишга урганиш керак. Ўз камчиликларига танқидий муносабатда бўла олиши лозим.

Махсус мактаб тарбиявий ишнинг умумий системасида ўқувчиларда ахлоқий хислатларни тарбиялаш энг мураккаб ва шу билан бирга маъсулиятли вазифадир. Чунки ақли заиф ўқувчини ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш самараси, ўқувчида қанчалик ахлоқий хислатлар тарбияланганлигига боғлиқ бўлади.

Тарбиянинг энг муҳим вазифаси ёш авлодда мустаҳкам эътиқод ва ҳис туйғулар ҳамда уларга асосланган маънавий хулқ-атворни ҳосил қилишдир.

Психо-жисмонан камчилиги бор болаларни тарбиялашда махсус мактаб олдида турган конкрет вазифалардан бири - ўқувчиларни ҳулқида, ўқишда ва меҳнатда интизомлиликни ташкил қилиш. Интизомлилик мураккаб хислатдир. У бир неча босқичдан иборат-кичик ўқувчиларда бўйсинишдан тортиб то ўқувчиларда хулқ талабларини онгли равишда бажаришдан иборатдир.

Болаларни тарбиялаш системасини қуришда дефектологлари бу болаларнинг билиш имкониятлари ва тарбиянинг истеъдод ишончларини диалектика материалистик тушинишига асосланганлар. Ақли заиф болани қобилият аломатлари уни тарбиялаш жараёнида узгармасдан қолмаслиги ҳисобга олиб, дефектологлар ўқувчиларни ривожланиш ва жамиятга эга бўлган малакали меҳнатда қатнашиш имкониятлардан махрумлар деган фаталистик қарашларни рад этади. Дефектология болаларни ривожлантиришда етакчи бўлиб, махсус ташкил этилган тарбиялаш системаси ҳисобланади деб ҳисоблайди.

Махсус мактабда тарбиянинг ўзига хослиги психо-жисмонан камчилиги бор ўқувчининг нуқсонли ривожланиш хусусиятлари билан, яъни:

1. Билиш фаолиятнинг ўзига ҳослиги
2. Болани эмоционал иродавий соҳасининг ўзига ҳослиги
3. Характернинг ҳосил бўлишини ўзига ҳослиги билан аниқланади.

Шу хусусиятларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз ва уларнинг махсус мактаб ўқувчиларнинг ахлоқий тарбиясига булган таъсирини кўрсатамиз.

1. Психо-жисмонан камчилиги бор болани билиш фаолиятини бузилиши уни теварак атрофидаги дунё билан муносабатда бўлишини қийинлаштиради. Натижада ақли заиф ўқувчи ёрдамчи мактабга қабул қилинишида етарли даражада ахлоқий тажрибага эга бўлмайди. У ҳақиқатни билишда уларни етарли тушуниб етмайди, кишилар ва ривожланишда психо-жисмонан камчилиги бор болаларни ижтимоий ҳаётини воқеалар уртасидаги муносабатни тушунмайди. Ҳаётда кузатилаётганларни тушуниб етмай, хулқ-атвор норма ва қоидаларни анализ қилиш учун ахлоқий тасаввур ва тушунчаларга етарли эга бўлмайди.

Шунинг учун у ўз хулқ-атворини атрофдагилар хулқ-атвори билан таққослай олмайди, у ёки бу муомаланинг оқибатини ўзига аниқ тасавур қилолмайди ва ахлоқий истақларга тўғри баҳо беролмайди.

Юқорида айтиб утилган эмоционал иродавий хусусияти ҳам ёрдамчи мактаб ўқувчиси ахлоқий тарбиялашда қийинчилик туғдиради. Шунинг учун олигофренопедагог ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларни билган ҳолда уларнинг ҳар бирига дифференциялашган йўл тутади. Бунда ўқитувчи вужудга келган қийинчиликнинг сабабини аниқлаш керак.

Маълумки турли категорияли болалар ўзининг эмоционал соҳа хусусиятига эга: олигофрен ва эпилептик бола ўзига турли йўл тутишни талаб қилади.

Олигофренопедагог тарбияда қаерда ва ким томонидан хатога йўл қуйилганлиги конкрет билиши, болага педагогик таъсирининг келгусини белгилаши керак. Катталар томонидан ақли заиф болаларга ногўғри муносабат, уларнинг ҳаддан ташқари болага шавқатли бўлишида тез-тез ифодаланади. Бунда улар ақли заифларда ҳеч қачон ўзи ҳеч нарса қилолмайдиган, фақат ҳар тарафлама ёрдамга муҳтож булган касал болани куришади.

Бундай муносабат натижасида бола ўзининг хулқ-атвор нормасини тезда билиб олади: «Мен ўзим ҳеч нарса қилолмайман», «ҳамма менга қилиб бериши шарт». Бу нарса болани бировнинг боқимида бўлишига олиб келади.

Бошқа ҳолларда ақли заифларга оилада булган муносабат улардан ишчи кучидан фойдаланиш асосида тузилади. «У ўқий олмайди, шунинг учун уйдаги ҳамма ишларни қилиши керак» деб бундай ота-оналар болага кучи етмайдиган жисмоний ишларни

юклашади. Бу ҳол болада меҳнатта нисбатан салбий муносабатни, уз кучига ва имкониятига ишонмасликни ривожлантиради.

Пайдо бўлган қийинчиликларни фақат болага нисбатан тўғри муносабатда бўлиш, уни индивидуал хусусиятини чуқур ўрганиш, унга ҳурмат ва диққат асосида йўқотиш мумкин.

3. Характердаги камчиликлар билан боғланган хусусиятлар.

Характер бу ҳаётий таъсир ва тарбиялар остида тўпланган ва мустаҳкамланган кишилар хулқ-одати ва аниқ муносабат услубидир. Кишининг индивидуал характер хусусиятлари ижтимоий шароит таъсири остида унинг ҳаёти ва тарбиясида вужудга келади. У ёки бу киши характернинг асосий сифати қандай бўлишини шароитни ўзи аниқлайди. Махсус ўқувчи характерини ташкил топтириш бунинг учун максимал қулай шароитни яратишни талаб қилади.

мактабни ҳаёт билан боғлаш, хилма-хил фаолият турларини ташкил қилиш, бола характерини ташкил топиши учун жуда муҳимдир. Бундай бола ижтимоий фаолиятдан бой таъсурот олади, коллектив олдида турган масалаларни ечишда фаол қатнашади, у уни ҳаёти тўлиқ ва унда мақсадга интилувчи, жамият қизиқишлари билан яшовчи киши характери вужудга келади.

Ақли заиф болада динамика стереотипи (характерлар, фикрларнинг узгармасдан такрорланиши, бир марта ўзлаштириб олинган фикрдан бошқа фикрга ўтишнинг қийинлиги) ҳосил қилиш ва ўзгартириш қийин. Ақли заиф болани стереотип хулқ-атвори билан боғланган қийинчиликлар улар кўпинча муайян вазиятга мос муҳитни салбий таъсирини босиб ўтолмай, кўпинча бунинг ўрнига унга мослашадилар. Шунинг учун мактаб таълим, эстетик тарбия воситалари, боланинг мактаб жамоат ташкилотларидаги иши ва ҳоказолардан фойдаланиб, махсус мактаб ўқувчиси характерини вужудга келтиришга катта аҳамият берилиши керак.

Шундай қилиб, ақли заиф болани тарбиясида шахсни ўзига ҳос хусусиятлари билан тушунтириладиган қийинчиликлар учрайди. Бу қийинчиликлар бир мунча йўқотилиши мумкин. У ёки бу камчиликларни бартараф қилиш билан бир қаторда болани ижобий ахлоқий тажриба ва ижобий ахлоқий хусусиятни вужудга келтириш лозим. Тарбиявий иш методикаси фанининг асосий вазифалари ҳам ана шулардан иборат.

Текшириш саволлари :

1. Тим фанининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?
2. Махсус мактабларда тарбия беришда нималарга асосланиш керак?
3. Психо-жисмонан камчилиги бор болаларда тарбия жараёнида қандай қийинчиликлар кузатилади?

Таянч тушунчалар :

1. Индивидуал ёндошиш - боланинг хулқ-атворини инобатга олган ҳолда алоҳида ёндошишдир.

Мавзу : Махсус мактабларда эрталиқларни ўтказиш (1 соат)

Режа :

1. Махсус мактабларда эрталиқлар ўтказилишининг аҳамияти.
2. Эрталиқларнинг бола шахсининг ривожланишига таъсири.

Адабиётлар :

1. В.Ф.Мачихина - Внеклассная воспитательная работа в воспитательной школе интернат, Москва 1983 г.

Бошлангич синфлардаги ўқувчилар билан амалга ошириладиган тарбиявий тадбирларнинг бири эрталиқлардир. Эрталиқ жуда қизиқарли ва тарбия нуқтаи-назаридан гоёт фойдали тадбир ҳисобланади. Чунки эрталиқлар ҳар-хил мавзуларда ташкил этилиши мумкин, шунингдек унда синфдаги ёки кунни узайтирилган гуруҳдаги барча болалар иштирок этадилар. Эрталиққа тайёрланиш ўқувчиларга кутаринки руҳ бағишлайди, уларни жуда кўп нарсаларга қизиқиш, урганиш ва бажаришга мажбур қилади.

Ўз-ўзидан аёнки эрталиқларга тайёрланиш билан ўқувчилар шеър ёдлашлари, қўшиқлар урганиш, турли маълумотлар билан танишишлари, энг муҳими биргалашиб, жамоа бўлиб ишлаши, ўзлари учун ҳар томонлама фойдалидир. Илгор ўқитувчиларнинг иш тажрибаси чинакам инсоний хусусият ва фазилатлар шакллантиришда, уларнинг билим савияларини оширишда, мустақил фикрлашларни такомиллаштиришда, ўқувчилар жамоасини мустақамлашда катта ёрдам беришини курсатди. Эрталиқлар мазмуни халқ сўз санъати ва ижодиёти асарлари билан бойитилса, уларнинг таъсири ортади.

Аmmo эрталиқ дастурига ҳаддан ташқари кўп нарсаларни киритмаслик, болаларни чарчатиб қўймаслик керак.

Акс ҳолда уларнинг яхши дам олишлари, эрталиқдан кутилганидек, баҳраманда бўлишлари таъминланмайди. Эрталиққа тайёргарлик куриш ва уни ўтказишда болалар фаол, қизиқиш билан қатнашлари лозим.

Меҳржон байрами эрталиғи, Эрталиқнинг мақсади. Болаларда меҳржон байрами ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилишлари керак. Кузги йигим-терим, об-ҳаво ҳақидаги шеър ва қўшиқлар орқали улар билимларни мустаҳкамлайди.

Эрталикнинг бориши. Зал куз манзаралари тасвирланган расмлар, кузги барглар билан ташкил қилинган бўлади.

Ўқувчилар мусиқа остида саҳнага чиқадилар. Қизлар қўлларида кузги барглар билан «Барглар ўйини»ни ижро этадилар. Бу ўйинда кузда барглар тўкилиши ифодаланади.

Биринчи ўқувчи :

Одамлар одамлар
Боғда битган бодомлар,
Эшитмадим деманглар
Эшитганлар қолманглар

Бугун бизнинг мактабимизда «Меҳржон байрами бўлаяпти

О-О-хо, хо, хо
Ҳаммага хайқирамиз
Байрамга чақирамиз
Тезроқ-тезроқ келинглар
Югуринглар, келинглар,
Байрамга кеч қолманглар!
Эже-хе, ха-ха!
Баракали тўкин куз
Меҳржон байрами.

Улут бобомиз Абу Райҳон Бериуний айтишича, «Меҳржон байрами»ни қадим-қадимдан кузда нишонлаб келинган. Куз бизга уз инъомлари билан, меҳр-оқибати билан, саҳовати билан меҳр ва жон ато қилган. Шунинг учун бу байрам Меҳржон деб аталган.

Бу эрталикда куз йигим-терими даври эканлиги тўла акс эттирилади, кейинги эрталик. «Наврўзи олам» эрталиги, эрталикнинг мақсади :

1. Ўқувчиларда жонажон табиатга бўлган муҳаббат, уни эъзозлашга қизиқишни уйғотиш.

2. Уларнинг баҳорда табиатдаги ва меҳнатдаги ўзгаришларга доир билимларини кенгайтириш.

Наврўз байрами йилнинг энг гузал фаслига, ҳамма жойда завқли меҳнат гавжум пайтига, она тупроғимизда барака уруғи қадалаётган, боғ бустонларимизни кенгайтириш учун кучатлар ўтказилаётган вақтга тўғри келиши сабабли жуда завқли кечади.

Ана шу катта тантана болаларга ҳам баниҳоя завқ-шавқ бағишлаши, уларни меҳнатга одатлантириши мумкин.

Ўқитувчининг эрталикка атаб деворий газета чиқарилишини, меҳнат мавзусида кўргазма ташкил қилиши болаларга анча олдиндан айтиб қўйиши, шунингдек улар шеърлар ёдлаши, қўшиқ ва рақслар, баҳор тўғрисидаги топилмоқ, тез айтиш ва керакли урганишлари эрталикларни қизиқари таъсирчан ва самарали ўтказишда катта ёрдам беради. Бу эрталикни ўтказишда энг муҳими унда иштирок

этишдир. Гулбаҳор-Наврузой, Дехдонбой-Қуёш бобо, гуллар ва қушлар сингари қаҳрамонлар ролига мос ўқувчиларни танлай олишдир.

Эрталикка ота-оналар ва бошқа меҳмонлар ҳам таклиф қилинади.

Текшириш саволлари :

1. Эрталиклар қандай ташкил қилиниши керак?
2. Эрталикларни ташкил этишда ўқувчиларнинг роли?

Мавзу : Махсус мактабда экологик тарбия (1 соат)

Режа :

1. Экологик тарбиянинг аҳамияти
2. Психо-жисмонан камчилиги бор болаларда амалга ошириш йўллари
3. Экологик буйича илгор ўқитувчиларнинг вазифалари

Адабиётлар :

1. Учебно-воспитательная работа в воспитательной школе, Москва 1980.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан тўғри фойдаланиш муаммоси ҳар бир инсонга маълум даражада таълуқлидир. Шунга кўра психо-жисмонан камчилиги бор болаларга экологик билимларни сингдириш, экологик тарбиянинг барча воситаларини қўллаб, табиатни асраш тўғрисидаги билимларни кенг ёйиш зарур. Психо-жисмонан камчилиги бор болалар табиатга турли муносабатда бўладилар; уларнинг шу муносабатларига бефарқ қараб бўлмайди. Чунки бола табиатга доир билимларни тушуниб тугилмайди. У бундай билимларни таълим ва тарбия орқали ўзлаштиради.

Табиат ҳақидаги билимлар олиш ва улардан амалда оқилонга фойдаланиш тарбиянинг асосий мезонидир. Экологик таълимни тор ва кенг маънода амалга ошириш мумкин.

Кенг маънодаги таълим турмуш ва билимнинг барча соҳаларида, ишлаб чиқаришда, кундалик ҳаётда ва дам олишда табиатга тўғри муносабатда бўлишни урганиш ва ўзлаштиришдан иборат. Тор маънодагиси эса аслида маълумот соҳасини кўзда тутади.

Табиатни муҳофаза қилиш муҳим воситалари халқ педагогикаси, узбекона урф-одатлар, болалар адабиёти, радио,

телевидение ва санъат экологик тарбияда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Экологик таълим ва тарбия борасидаги ижтимоий вазифалардан бири, болаларни дастлаб оиланинг ўзида табиатга тўғри муносабатни таркиб топиришдан иборат.

Ана шу муносабатга доир тушунчалар оилада, боғчада сўнгра мактабда узвий ривожлантирилиши лозим.

Бошлангич синфларда ўқувчиларга табиатдаги мужизалар, уларнинг вужудга келиши, кеча ва кундуз, йил фасллари, гўзалликлар ҳақида тушунчалар берилади.

Ўқувчилар тупроқни экишга тайёрлаш, ўсимликларни вегетатив усулда кўпайтириш билан танишадилар, ўсимликларни парвариш қилишга ўрганадилар. Табиатда бажариладиган ижтимоий- фойдали меҳнат ўқувчиларда зийракли, заифларига ёрдам бериш каби ҳислатларни шакллантиради.

Доимо табиат билан мулоқотда бўлиш ўқувчилар ҳуққ атворига ижобий таъсир кўрсатиши педагогика ва бадийий адабиётда яқдлик билан ифодаланади.

Ўқувчиларда меҳнат севарликни ривожлантириш, экологик билимлар бериш, уларнинг мустақиллигини устиришга катта ёрдам беради.

Ана шу ишлар бошлангич синфларда асосан куни узайтирилган гуруҳларда амалга оширилади.

Бундай машғулотларда ўқувчилар атроф муҳит билан бевосита танишиши, уларга табиатдаги бебаҳо бойликлар билиб фойдаланишга, уларни асраб авайлашга доир тушунчалар бериб борилиши лозим.

Ривожланишида психо-жисмонан камчилиги бор болаларга экологик тарбия беришнинг асосий йўналишларни қуйидагилардан иборат :

ўқувчиларда дастлабки дунёқарашлар шаклланади ва уларга табиатдаги ҳодисалар бир-бирига боғлиқ ҳамда одамга таъсирини аёнлатилиши лозим;

- улкамизда қабул қилинган дастлабки муҳофаза қонунларни билиш ва унга буйсиниш ҳар бир одамнинг табиат олдидаги бурчи эканлиги ўқувчиларга тушунтирилади;

- табиатни асраш ва унинг бойликларини парваришлагашга ўргатилади;

- табиат гўзалликларини севишга, уни кузатишга, ўсимликларни авайлашга, табиий бойликларни кўпайтириш ҳолда фикрлашга одатлантириш лозим.

Экологик тарбия ривожланишидаги психо-жисмонан камчилиги бор ўқувчиларнинг ўқув ва иш фаолиятида амалга оширилади.

Аниқ ташкил этилган, маълум мақсад билан қўллаш ҳар қандай иш усули ўқувчининг табиат муҳофазасига доир билим доирасини кенгайтиради ва мустаҳкамлайди. Экологик тарбия юзасидан

тарбиявий ишлар турли шакллари : тугарак, суҳбат, эрталик, сайр ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин ва лозим.

Бу тадбирлар экологик тарбиянинг асосий мақсадини амалга оширишда, яъни ўғил ва қизларда табиатга, ўсимлик ва ҳайвонларга оқилона муносабатни тарбиялаш, уларни қадрамаслик ҳолларига чек қўйишларда муҳим рол уйнайди.

Суҳбат, ҳикоя қилиш, ўқиш экологик билимларни оғзаки баён этиш усуллари бўлиб, булар ҳам ўқувчиларда ақлий қобилиятларни ўстиришга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда экологик тарбияда гузал табиатнинг бир бўлаги Орол денгизи ҳақида ўқувчилар учун суҳбат уюштириш ва унда сувнинг табиатдаги роли, табиий бойликдан нотўғри фойдаланиш нималарга олиб келишини тушунтириш лозим.

Ҳозирда тарбиячилар экологик тарбияни болаларга сингдиришга турли тадбирлардан фойдаланадилар. Масалан, расм асосида суҳбат, табиат манзараси ва ҳайвонлар расмини чизиш, аппликация ва шакллар яшаш, иншо ёздириш, ҳайвонлар паррандалар ва табиат тўғрисидаги шеърлар ёдлаш, табиатга сайр қилиш, диафильмлар кўрсатиш, стенд альбомлар чиқариш кабилардан фойдаланилади.

Экологик тарбия болаликдан бошланади.

1. Авлод аجدодларимиз ҳам табиатни эъзозлаганликлари ўқувчиларга тушунтирилади. Ўзбек халқ педагогикасида табиатни ардоқлаш учун турли афсоналар, эртақлар ҳикоя ва ривоят яратилган, ирим-сиримларга риоя қилинган. Улардан ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи ўринли фойдаланиши лозим. Мисол учун: ўқувчиларни ҳаётимизда айтиладиган: табиат ўзгаришлари ҳақидаги хикматлар билан танишиш ва шу юзасидан қўзатиш олиб бориш ҳамда шу асосда эрталик ташкил этиш мумкин

Текшириш саволлари:

1. Экологик тарбия қандай амалга оширилади?
2. Экологик тарбия орқали болада қандай хусусиятлар шакллантирилади?

Мавзу: Дарсдан ташқари вақтда тарбиявий ишларни ташкил этиш, тарбияда оила ва жамоат ҳамкорлиги.

Режа:

1. Ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришда дарсдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг аҳамияти.
2. Дарсдан ташқари тарбиявий ишларни ўтказишда оила ва жамоатнинг ҳамкорлиги.
3. Оила-оналар билан ўтказиладиган суҳбатларнинг аҳамияти

Адабиётлар:

1. В.А.Сухомлинский «Духовный мир школьника» Москва 1961г.
2. В.Ф.Мачихина Внеклассная воспитательная работа во вспомогательной школе- интернате, Москва-1983 г.

1. Уқувчиларни мустақил тайёргарлиги уларда мустақиллик маъсулият ва меҳнатсеварликни шакллантириш воситасидир.

Уқувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини ҳал этиш, уларда фаол ҳаётий мавқени шакллантириш, кўп жиҳатдан кўни узайтирилган гуруҳларнинг самарали ишлашига боғлиқ

Мактаб-интернат шароитида кўни узайтирилган гуруҳлар болалар ва ўсмирларни ижтимоий тарбиялашда муҳим ўрин тутлади. Бу гуруҳларда тарбиявий ишларнинг маълум восита ва усуллардан фойдаланилади. Бироқ узига хос булган воситалардан бири «Мустақил тайёргарлик» куриш воситаси ҳам борки, у ўқувчиларда мустақиллик, меҳнатсеварлик, билимлар эгаллашда катта ёрдам беради.

Ўқитувчи мустақил тайёргарлик даврида ўқувчилар билан ишлашни табақалаштирилган тарзда олиб боради, уларни гуруҳларга тақсимлайди, айримлари билан якка тартибда иш олиб боради. Ўқитувчи фан кабинетларидаги мустақил ишларни ташкил этиб, билимлар эгаллашни таъминловчи топшириқлар тизимини ишлаб чиқади. мутназам равишда ўқишнинг боришнинг назорат этади, ўқувчиларда китоб, асбоб, қўлланмалар, ўқув телекурсатувлари билан ишлаш малакаларини шакллантиради.

Мустақил тайёргарликни ташкил этишда лаборант ўқувчилар алоҳида ўрин тутлади. Улар мураккаб тажрибаларни амалга оширишда ёрдам берадилар, диапозитивлар, фильмлар намойиш этадилар. Хариталар тайёрлайдилар, дарсликлар ва адабиётлар фондига мудирлик қиладилар.

Мустақил машгулотларда ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорлиги бекор этилмайди, балки у дарсдаги нисбатан бошқача ўқув материални тегишли тарзда ташкил этиш орқали амалга оширилади. 5-8 дарсдан ташқари машгулотлар ўқитувчи таъсири остида ўз-ўзини назорат қилиш асосида қурилган фан кабинетларда, кутубхонада якка тартибдаги режа асосида ўтказилади. Дарсдан ташқари ишда таълимнинг моддий базаси: адабиётлар, лаборатория, ускуналар, кургазмали қўлланмалар, дидактик материаллар, техник воситалардан фойдаланилади. Бундан назарий билимлар ва макетлар моделарни тайёрлашни, ўз ичига олади топшириқлар системаси берилади. Юқоридаги топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчилар турли асбоблар, аппаратлар, дидактик материаллардан фойдаланишни ўрганадилар.

Айни пайтда топшириқларни бажариш учун зарур материаллар танлаш, ишлаш кетма-кет белгилаш, вақтни ҳисобга олиш каби ташкилий куникмаларни ҳам эгаллайдилар.

5,8-синфларда ўз-ўзини тартибга солиш ва ўз-ўзини назорат қилиш асосида қурилган гуруҳ ва якка тартибдаги иш шакллари аста-секин асосий шакллардан бирига айланади.

Бир қанча ҳолларда мустақил тайёргарликлар юзасидан айрим машғулотлар ўқитувчи иштирокида уюштириш зарурати вужудга келади.

Мустақил тайёргарлик ташкил этиш жараёнида ўқувчиларнинг зўриқишига йўл қўймаслик зарур. Шу мақсадда болаларда ўқув ишининг оқилона усуларини, мустақил тажрибалар қилиш ва кузатиш олиб бориш кўникмалар шакллантириш зарур.

Махсус мактабларда фанлараро ишлар рўёбга чиқариш учун дарс ва дарсдан ташқари ўқув ишлари, мустақил тайёргарликни бирлаштириш, мустақил тайёргарликлар даврида турли фан ўқитувчилар ўзаро алоқаси, фан ўқитувчиси билан тарбиячи ҳамжиҳатларлиги кабиларда амалга ошириш зарур.

Дарс ва мустақил тайёргарлик олиб боришида ўқувчиларда меҳнатсеварлик, мустақиллик ва масъулиятни тарбиялашга хизмат қилади. Ўқувчиларда мустақил тайёргарликни амалга ошириш жараёнида ўқувчиларда ўз-ўзини назорат ва ўзаро баҳолаш кўникмасини ҳам ривожлантириш мумкин.

Ёш авлодни тарбиялаш самарадорлигини оширишда 3 та асосий омил: мактаб, оила, жамоат ҳамкорлигидир. Ёрдამчи мактабларда ҳам бу омилнинг кенг қўлланилиши бу масаланинг муҳим тамонидир. Таниқли психологи Л.С.Виготский аномал балалар шахсининг ўзига хос хусусиятларини олиб берар экан, бола шахсининг ўзига хос шаклланиб боришида, уларнинг яқинлари атроф муҳит айниқса оила аъзоларининг таъсирлари каттадир дейди.

У мактаб ҳаёти билан оила ҳаёти ҳамбарчас боғланган бўлиши кераклигини такидлайди. Ёшлар шахсининг шакллантиришда барча тарбиявий кучларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти принципини изчил амалга ошириб бориш зарурдир.

Махсус мактаб ўқувчисини фақат якка шахс, уни бутун оилавий ҳаёт, мактаб ҳаёти, кўча, жамоат муассасалари, умуман олганда атроф муҳит тарбиялайди. Бола мактабгача оилада тарбияланган бўлса, кейинчалик бу тарбия мактабда изчил шакланади. Маълумки оилавий тарбия турли оилаларда турлича аҳамият касб этади. «Она-табий тарбиячидир». Уни болаларга айниқса, кичик болаларга таъсири ниҳоятда катта. Боланинг илк йиллари кишининг бутун ҳаракатларига, унинг қандай одам бўлиб ўсишига қанчалик таъсир кўрсатиши ҳаммага маълум. Шу сабабли оилада онанинг обрў-эътиборини ошириш, унинг билим ва маданий савиясини юксалтириш зарур-дейди.

Кўпинча ота-оналар ўз фарзандларини психофизик ҳолатларини нотўғри баҳолайдилар, фарзандига қўйилган диагнозини нотўғри деб ҳисоблайдилар. Ота-оналарнинг бола камчилигини тўғри тушунамаслиги кейинчалик унинг ижтимоий ҳаётда, жамоат ўртасида

ўз урнини тола олмаслигига сабаб бўлади. Баъзи ота-оналардек боланинг қобилиятига номуносиб касбларни танлаши натижасида ўз келажагини белгилаб олишга зарар етказиши мумкин. Бу ҳол махсус мактабни битирувчи ўқувчилар ҳаётида кўпроқ учраб туради. Ота-оналар фарзандларини камчилигини яшириш мақсадида уларга тўғри келмайдиган ишларга жойлаштирадилар. Натижада бола иш фаолияти даврида қатор қийинчиликларга дуч келади.

Меҳнатга нисбатан нотўғри муносабатда бўла бошлайдилар. Юқоридаги сабаблар ота-онанинг роли катталигини, буни олдини олиш учун жойларда профориентация ишларини кучайтириш, ота-оналарнинг мактаб билан ҳамжиҳатликда иш тутиш мақсадида мувофиқ эканлигини кўрсатишда. Бу ҳамкорлик боланинг йўлини, касбини тўғри танлаши чунончи келажагини тўғри белгилашича сабаб бўлади. Боланинг бу даражага етказишда авваламбор ота-онанинг маданий савиясини педагогик изга солиш керак.

Махсус мактаб ва оиланинг ҳамкорлигига эришиш учун алоҳида системада асосида иш олиб борилади. Бу системага ота-оналарга қайд этилган билим бериш ҳам кириши. Бизнинг ишимизнинг туб мақсади, махсус мактаб ўқувчиларнинг ижтимоий турмуш ва меҳнат малакалари даражасини ошириш (тозаликка, тартибни сақлашга, ижтимоий мулкни қўриқлашга доимий ургатиб онгига синдириб боришимиз)да оила ва мактаб ҳамкорлигига эришишдир.

Махсус мактаб ўқувчиларнинг ота-оналари билан танишувда уларнинг маълумотини, касбкорлари, малакаси, оилавий шароитлари моддий қандай таъминланганлиги ва педагогик билимларини аниқлаш мақсадида мувофиқ бўлади. Оиланинг муайян билим савияси, яшаш шароитини, оиладаги ҳаёт болага ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўқувчилар ота-оналарини махсус мактабга жалб этиш, уларнинг маданий савиясини, турмуш шароитини урганишдан мақсад, шу мактабга муносабат ва ҳамкорлик аспектларини мустаҳкамлайди. Текширишлардан махсус мактаб ўқувчиларининг ота-оналарининг билим даражаси паст, (баъзи бир ота-оналарини) уларнинг кўпчилиги бошлангич ёки тугалланмаган ўрта маълумотга эга эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Ўқувчиларнинг шахсини шаклланишида оиланинг нотўғри тарбияси, меҳнат қилиш жараёнида махсус мактаб билан ҳамкорликсиз, ҳамжиҳатсизлик иш олиб бориши жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Меҳнатга муносабат меҳнатга ургатиш оиладан бошланади. Ижтимоий турмушда тарбиявий ишининг сифатининг оширишда боланинг оилавий ва ҳўжалик ишларида иштирок этиши (уйда тозалик, уй аҳжомларини асраш, ўз-ўзига хизмат қилиш) муҳим аҳамият касб этади. Бу ишларни бажариш билан махсус мактаб ўқувчилари ўз меҳнат тарбиясини шакллантириб боради. Баъзи ота-оналар болаларини уй ишларига, ҳўжалик ишларига ёрдам беришдан бош тортадилар. Ёки ақсинча ота-оналар болаларни қилган гуноҳлари учун меҳнат қилдириш орқали жазолайдилар. Бу албатта

бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Махсус мактабнинг битирувчи ўқувчиларга ўз коллективларининг таъсири катта. Мактаб клубларида ўтказиладиган хотира кечаларини ўтказиш, яъни болалик ишлари машаққат билан ўтган йиллари ветеранлар билан ишлаб чиқаришнинг илғор ишчилари билан учрашувлар, бола шахсини шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Махсус мактаб ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Махсус мактаб ўқувчиларининг ота-оналари билан ишлаш 3 тартибда олиб борилади:

1. Умуммактаб
2. Синф
3. Индивидуал

Умуммактаб тартибда иш юритишда ота-оналар мажлиси - мактаб ҳаёти ва актуал масалалари тўғрисидаги саволларга жалб этиш бола тарбияси бўйича маъруза ўқишни кенг йўлга қўйиш билан жиддий шугулланиш зарур, оналар кўни ўтказиш, махсус мактаб ўқувчилари томонидан тузилган слесарлик, дурадгорлик тикувчилик тўғрисида бажарган ишлари кўрғазмасини ташкил қилишга жалб этиш керак.

Синфда ишлаш - тартибга ота-оналарнинг синф мажлиси, ота-оналар билан савол-жавоблар ўтказиш, лозим топилса ота-оналар чиқиб гапиришлари мумкин. Иложи борича ўқувчи ўз нутқида дефектли бола терминларини ишлатмаслиги керак.

Ота-оналар мажлисида ҳар бир ўқувчига характеристика беришда ўқитувчи объектив бўлиши керак. Актив ва яхши ўқийдиган ўқувчилар ҳақида гапириб, утиш керак.

Мажлисида ота-оналар қўмитаси сайланади. Ота-оналар қўмитаси турли хил ташкилий ишларни ташкил қилишда ўқитувчи ва тарбиячининг биринчи ёрдамчиси ҳисобланади. Айниқса оғир аҳволи оилаларга ёрдам беришда ота-оналар қўмитасининг роли катта, улар бундай оилаларга бориб, ота-оналар билан суҳбат ўтказишлари керак.

Ота-оналар қўмитаси экскурсия, поҳодлар ўтказишда ҳам ўқитувчи-тарбиячига ёрдам бермоғи лозим. Ота-оналар активи профориентация хоналарини жиҳозлашда ҳам ёрдам беришлари керак. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ота-она-оила ва мактабнинг биринчи бола ривожланишига таъсир этади. Ўқувчида ота-онасига ва мактабга ҳурмати ошиб боради.

3. Индивидуал иш олиб боришда баъзи ўқувчилар билан дарсдан ташқари вақтда тарбиячи-дефектолог алоҳида суҳбатлар олиб бориши керак.

Текшириш саволлари :

1. Махсус мактабларда қандай синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкил этилади?
2. Мактаб, оила ҳамкорлигида қандай ишлар олиб борилади?
3. Ота-оналар билан қандай ишлар ташкил этилади?

Мавзу: Махсус мактабларда ижтимоий фойдали ишларнинг аҳамияти ва уларни ташкил этиш

Режа:

1. Ижтимоий фойдали ишлар турлари:
2. Ижтимоий фойдали меҳнат ташкил этиш методикаси.

Ривожланишида психик-жисмонан камчилиги бор болаларда меҳнат фаолиятининг жамоа шакллари ҳосил қилишда тарбиялашда ижтимоий фойдали ишларни ташкил қилиш катта аҳамиятга эга. Ижтимоий фойдали ишлар мактаб интернатида доимий ёки ҳафтада бир мартаба бўлиши мумкин.

Масалан, тарбиявий ишлар билан турли хил доимий навбатчиликларни ташкил этиш ишдан бошланади. Ошхонада, синф хонасида, ётоқхонада, бог майдончасида ва ҳоказоларда. Бундан ташқари тарбиячи ўқувчиларни бир мартаба меҳнат билан шуғулланишни юклайди. Бу ишни одатда синф раҳбари ёки меҳнат ўқитувчиси олиб боради.

Ижтимоий фойдали машғулотларда болаларнинг лутат бойлиги, эшитиш қобилиятининг ривожлантиришга, имконият яратилади. Масалан: ерни чопиш ва бошқа сўзлар ибораларни ўзлаштириш фақат шу машғулотларда олиб борилади.

Ижтимоий фойдали меҳнатни ташкил этишда индивидуал ёндошиш яъни ҳар бир ўқувчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат ҳажми белгиланади. Меҳнат қуроллари билан етарли даражада таъминланиши муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий фойдали ишлар ташкил этишда мусобақа яхши самара беради.

Бундан ташқари ҳар бир боланинг бажарган ишига баҳо берилади, уни рағбатлантириш, ёки керак бўлса жазо чораларини қўллаш керак.

Махсус мактабда қизиқишлар бўйича тўғарақлар ташкил этиш қуйидаги таълимий тарбиявий вазифалар амалга оширилади:

1. Муҳит ҳақида ўқувчиларда асосий ҳаётий тушунчалар шакллантирилади.
2. Фикрлаш қобилияти ўстирилади.
3. Фаолиятнинг янги турларидан фойдаланиб, меҳнатга кўникма ва малакалар ривожлантиришади.
4. Меҳнат фаолиятига психологик ва амалий жиҳатдан тайёрлантириш.

Тўғарақлар ишлари ўқиш фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Шунинг учун тўғарақ ишларида ўқув фаолияти вазифалари махсус шароитларда амалга оширишади. Тўғарақлар ишларида психо-жисмонан камчилиги бор болаларда бажариладиган вазифалар ҳақида тасаввурга эга булишлари шарт.

Тўғарақлар фаолияти қуйидагича режалаштирилиши мумкин:

1. Вазифани умумий тақсимоти.
2. Вазифани бажариш босқичлари.
3. Вазифани бажариш учун муҳим бўлган материаллар.
4. Олиб бориладиган ишни назорат қилиш.
5. Ўз ишига танқидий баҳо бера олиш.

Қизиқишлар бўйича тўғарақлар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Моҳир қўллар тўғараги
2. Тўқиш тўғараги
3. Каштачилик
4. Рақс

Тўғарақлар ишлари ўқув йилининг бошида режалаштириб олинади. Тарбиячи томонидан тўғарақ аъзолари рўйхати берилади, тўғарақка аъзо бўлиш ихтиёрий бўлади, лекин аъзо бўлган болалар тўғарақка қатнашиши мажбурийдир. Тўғарақлар иш режасида йил мобайнида олиб бориладиган ҳар бир машғулот мавзуси ёритилган бўлади. Бу иш режа мактаб раҳбари томонидан ишлаб чиқилган бўлади ва тасдиқланган бўлиши керак.

Текшириш саволлари :

1. Ижтимоий фойдали ишларда қандай камчиликлар бартараф этилади?
2. Қандай тўғарақлар ташкил этилади?

Мавзу : Касбга йўналтириш

Режа:

1. Касбга йўналтириш ва унга қўйиладиган талаблар.
2. Касбга йўналтириш ишида ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш.
3. Касбга йўналтиришни амалга ошириш йўллари ва шакллари.
4. Махсус мактабнинг ўқувчиларини касбга йўналтириш юзасидан ота-оналар билан олиб бориладиган ишлар.

Адабиётлар:

1. Ҷ.Тураева «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси». Тошкент 1990.
2. М.Дульнев «Учебно-воспитательная работа в школе», М.,1990.

Касбга йўналтириш ёшларни эркин ва мустақил касб танлашга илмий амалий жиҳатдан тайёрлаш системасидир.

Касбга йўналтириш тажрибаси психо-жисмонан камчилиги бор болаларнинг меҳнат қобилиятини, интилишини тарбиялашни талаб қилади.

Ўқувчиларни касбга тайёрлаш жараёнида уларни билимлар, умумий меҳнат ва ижтимоий муносабатларга фаоллик билан интилишини тарбиялаш зарур. Бу эса ўз навбатда махсус мактабдан ихтисослаштириш ва ишлаш тажрибаси ўзида мужжасамлаш, касбга йўналтириш шакллари излашни талаб этади.

Касбга йўналтиришнинг мақсади - ёш авлодни оғли касбга тайёрлашдир. Бунинг учун ўқувчиларда ҳулқ-атворни шакллантириш, меҳнатнинг ҳар хил турларига ҳурмат билан қарашни, касбий жиҳатдан ўз-ўзини англашга ўргатишдан иборат.

Касбга йўналтиришнинг ижтимоий жиҳати, ўқувчининг билим қўникмаларни ўзлаштириш жараёнини назарда тутати.

Психологик педагогик ёндошиш эса психо-жисмонан камчилиги бор ўқувчиларни қизиқишлари, майллари, ўзига хос хусусиятлари ва унинг имкониятига мос келадиган касбни танлашида ёрдам беради.

Касбга йўналтиришнинг босқичларидан бири бу касб ахборотидир. Касб ахборотининг вазифаси ўқувчиларни меҳнатнинг хилма-хил турлари, ўзига хос хусусиятлари, кадрларга бўлган эҳтиёжлари билан таништирилади.

Бу жараёнда психо-жисмонан камчилиги бор ўқувчилар ўзларига касблар ичига йўл топиш имконини берадиган билимларни эгаллайдилар ва асосли қарор қабул қиладилар. Касб ахборотида хатога йўл қўймаслик учун ўқувчилар эгаллайдиган меҳнат ҳақидаги билимларни бир системага солиш лозим бўлади. Ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали, унумли меҳнатнинг хилма-хил турларида ўз-ўзини амалий синаб куришини ривожлантириш касбга йўналтиришнинг асосий вазифасидир.

Ўқувчиларда касбга бўлган қизиқишларни шакллантириш бу тарбиявий таъсир кўрсатишнинг биринчи шаклидир. Психо-жисмонан камчилиги бор болаларнинг ишлаб чиқаришда танлаган касбини эгаллаши учун мактабларда интернатларда ижодий ва амалий тайёргарликка ҳам эга бўлиши, дастлабки кучни синаб куриш имконини яратиш лозим бўлади.

Жумладан, мактаб-интернатда ўқувчилар меҳнатини уюштиришнинг бир неча шакллари мавжуд. Булар мактаб-интернат устаконаси ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ва бошқалардан иборат.

2. Ўқувчиларни касбга тайёрлашни таъкил этиш болаларнинг ёш хусусиятини ҳисобга олиб, амалга оширилади, 4-5 синфларда касб танлашнинг ахлоқий асосларини шакллантиришга эътибор берилди.

Бу ёшдаги психо-жисмонан камчилиги бор болаларга катталар меҳнати тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтиришга ёрдам бериш зарур. Шу мақсадда яқин атрофдаги ишлаб чиқариш корхонларига маиший хизмат йўлларида экскурсиялар уюштириш зарур, бундан

ташқари касб танлаш ҳақида суҳбатлар утказиш, фильмлар намойиш этиш ҳам ўқувчиларнинг шу соҳада билим эгаллашларига ёрдам беради.

Тарбиячининг вазифаси ўқувчилар билан олиб бориладиган ишларига изчил ёндошиб, экскурсиялар утказиш, йирилган материаллар асосида кўргазмалар уюштириб, гуруҳ ва якка тартибдаги суҳбатлар жадвалини тузиб чиқади ҳамда конкурслар ташкил этишдан иборатдир.

Ўқувчиларни ўзлари танлаган ва қизиқишларига доир тўғарақларига жалб этиш ҳам яхши самара беради.

3. Махсус мактабда касбга йўналтиришнинг аниқ воситалари сифатида касбга бағишланган маърузалар, суҳбатлар ва ҳоказолардан фойдаланилади. Касб танлашни амалга ошириш учун дарсдан ташқари тарбиявий ишлар катта аҳамиятга эга. Бу ишлар мактаб-интернат директори, синф раҳбарлари ва тарбиячилар ҳамкорлигида амалга оширилади.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш юзасидан тарбиявий мавзуни қуйидагичадир.

1. Ўқувчиларни турли касблар билан таништириш.
2. Касбга бўлган қизиқишларни ривожлантириш.
3. Ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаш.

Дарсдан ташқари тарбиявий ишларнинг хилма-хил усул ва шакллари ҳам мавжуд. Касбга йўналтиришнинг шакл ва усуллар шартли равишда учга бўлинади.

1. Оғзаки
2. Кўргазмали
3. Амалий

Касбга йўналтириш оғзаки шакли касблар тўғрисидаги ҳикоялар, суҳбатлар, маърузалар, китоблар ўқиш, иншолар ёзиш, бахслар, турли касб эгаллаш билан учрашувлар, мавзули кечалар, уйинлар ва конкурсларни ўз ичига олади. Шаҳар саноат корхоналарига экскурсиялар, фильмлар, фотоқўргазмалар бурчаклар эса кўргазмали усулга киради.

Юқори синф ўқувчиларида дарсдан ташқари пайтда касбга тайёрлаш учун суҳбат шаклдан фойдаланамиз. Суҳбат ўз ишини яхши биладиган мутахассис томонидан олиб борилда. Суҳбатда мисоллар билан касб аҳамияти, унда кузатиладиган қийинчиликларни кўрсатиш лозим. Бундан ташқари ўқувчилар касблар ҳақидаги рефератлар ҳам тайёрлаш яхши натижалар беради.

Мактаб-интернатда ота-оналар билан олиб борадиган иш ўқувчиларни касбга йўналтириш соҳасидаги муҳим босқич ҳисобланади. Чунки касб танлаш ўқувчилар учун ҳам, ота-оналар учун ҳам қийин вазифадир.

Шунинг учун мактаб - интернатларда касб танлашга тайёрлаш ишига ота-оналар ҳам жалб этилиши керак.

Уқувчиларни касбга йуналтириш ишида уқувчилар, ота-оналар, қўмиталари путулланади, ота-оналар қўмиталари касбга йуналиш бўйича қўйидагиларни амалга оширади.

1. Турли касб вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш, синф раҳбарларига ёрдам бериш.
2. Қорхонларга экскурсиялар уюштириш.
3. Ота-оналарни шу ишга жалб этиш.
4. Касб танлаш кабинетларини безашда мактаб - интернатга ёрдам бериш

Касб танлаш юзасидан ота-оналар ўртасида Педагогик билимлар тарғиб этиш зарур. Ота-оналар билан семинарлар ва методик маслаҳатлар ўтказилади, уларни мактаб раҳбарияти олиб боради.

Касбга йуналтириш масалаларни мувофажиятли ҳал этиш учун педагогик тарғибот ва оила билан якка тартибда иш олиб бориш зарур. Болага таъсир кўрсатишнинг шакл ва усул воситасини белгилашда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш бу соҳадаги асосий вазифадир.

Ота-оналар якка тартибда иш олиб бориш учун тарбиячи олдиндан таёргарлик кўради. Болалар ўртасида касбга доир маслаҳат ўтказиш ҳам яхши самара беради.

Текшириш саволлари:

1. Касбга йуналтиришда қандай ҳусусиятларни инобатга олиш керак?
2. Касбга йуналтириш бошқичлари нимадан иборат?
3. Мактаб-интернатларда уқувчилар меҳнатини уюштиришнинг қандай шакллари мавжуд?
4. Касбга тайёрлашда ота-оналар билан қандай ишлар олиб борилади?

Мавзу : Психологик-жисмонан камчилиги бор болаларда ахлоқий тарбия

Режа:

1. Ахлоқий тарбия тушунчаси.
2. Ахлоқий тарбиянинг бола шахсининг шаклланишдаги аҳамияти.
3. Ахлоқий тарбия принциплари.

Ахлоқий тарбия деганда шаклланаётган, ривожланаётган, усиб келаётган авлодда ҳуққ одоб меъёрларига мос келувчи сифатларнинг шаклланишини тушунамиз. Ахлоқий тарбия унинг моҳияти алоҳида шахс учунгина эмас, балки жамиятнинг келажаги, унинг қандай бўлиши учун ҳам муҳимдир. Ахлоқий тарбия бошқа тарбия турларидан ўзининг аҳамияти билангина ажралиб қолмасдан балки мураккаблиги билан ҳам ажралиб туради. Бу ўринда машҳур француз

педагоги Эдуард Сегеннинг фикрлари эътиборга лойиқ. Психо-жисмонан камчилиги бор бола ақлан билмайди, жисмонан бажара олмайди, рухан ҳоҳламайди. Психо-жисмонан камчилиги бор бола ақлан била олади, ҳам жисмонан бажара оларди ҳам, агарда у ҳоҳласа. Барча бало шундаки, дастлаб у ҳоҳламайди. Ахлоқий тарбиянинг шакллантириш усуллари ахлоқий тарбия принципларига оид фикрлар кишилиқ жамиятида жуда эрта мутафаккирлар эътиборини тортди. Буларга мисол қилиб Аристотель, Плотон, Пелен, Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа қатор мутафаккирларнинг тарбияга оид нодир асарларини фикрларини кўрсатишимиз мумкин.

1. «Одоб. – бу қалбни ёмон сўзлардан ва ноҳўя ҳулқдан сақлай олиш, ўзини ва ўзгаларни ҳам ҳурмат қила билишдир». «Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча одамлар учун ёқимлироғидир».

А.Навоий

2. «Кимга ёшлиқдан берилмас одоб,
Улғайгач булади бахтсиз, дили гаш».

Шаҳё Саъдий

3. «Одамзоднинг биринчи тарбиячилари оналаридир».

О.Голдсмит

4. «Бола тарбияси учун давлатни бошқаришдан кўра ҳам теранроқ мушоҳада ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик керак».

У.Ченнинг

5. «Оила ҳаётининг бош муддао ва мақсади болалар тарбиясидир. Болалар тарбиясининг бош мактаби эса эру-хотин ота-онанинг ўзаро муносабатидир».

В.А.Сухомлинский

Ўзбекистоннинг чинакам мустақилликка эришишида ва уни янада ривожлантиришда И.Каримов таъкидлаганидек, аввало, аҳолининг миллий тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, оилавий шароитдан халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқиш лозим. Шу боис ўзбек ҳалқининг катталарини ҳурмат қилиш оила ва фарзандларига гамҳўрлик қилиш, очиқ кўнгиллигина, миллатидан қатъи назар, одамларга хайрхоҳлик муносабатида бўлиш каби қадриятларни урганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам А.Каримов Ўзбекистоннинг истиқлолини мустаҳкамлашда энг аввало инсонларнинг маънавий-ахлоқий ва маърифий қарашларини шакллантириш оилавий тарбияни мустаҳкамлаш муҳимлигини

уқтириб маънавий ва ахлоқийликни қайта тиклаш, ҳалқларнинг маданий меъросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, инсонпарварлик ғояларига содиқлик ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динига амал қилиши ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга эканлиги болаликни муҳофаза қилиш, болалар улимини олдини олиш, одамлар умрини узайтириш каби масалаларга эътиборни кучайтириш лозимлигига алоҳида эътиборни қаратмоқда. Бугунги кунда болаларни маънавий ахлоқий тарбиялаш масаласи нафақат бизнинг республикамизда балки, бутун жаҳонда долзарб мавзу сифатида қаралмоқда.

Абу Райҳон Беруний ҳам ахлоқийликка алоҳида эътибор билан қараган. Ахлоқийлик, яхшилик ва ёмонлик, виждон тугри сузлик, орномус масалаларига алоҳида эътибор берган. Тиббиёт асосчиси Абу Али Ибн Сино педогогик қарашларида ҳам мазмун бор. Унинг фикрича таълим-тарбияда болаларнинг мойиллик ва қобилиятларига алоҳида эътибор бериш керак. Етук инсон тарбиялаш бир кипининг иши бўлмасдан, балки узоқ вақт қунт билан ишлашни талаб этадиган жараендир.

Ахлоқ - ижтимоий онг шакли бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида инсоннинг ҳуқ-атворини йўлга солиб турадиган принциплар, талаблар, меъёрлар ва қоидалар йиғиндисидан иборат.

Ахлоқий тушунчалар яхшилик шараф, виждон характерга эга. Ахлоқ мазмуни маайян қадрият йул-йуриқларини, ҳуқ-атвор меъёрлари ва мотивларини инсонлараро муамала шаклларини ўз ичига олади. Куп асрлик тарихий тажриба шундан далолат берадики, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги инсон, инсон авлодидир. Шунинг учун ҳам аждодларимиз ўз нассларини умумбашарий туйгулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаб келганлар. Ота-боболаримиз асрлар давомида тилимиз, дилимиз ва динимизни, ўзбекнинг ўзлигини ҳар томонлама асраб-авайлаб баркамол авлодларни вояга етказиб келган чунки ҳар бир оқил инсоннинг муқаддас вазифаси ҳаётнинг маъноси, қобил фарзандлар устириш, камолини кўриш, ота-онасига, оиласига, ва танига садоқатли қилиб тарбиялашдан иборатдир. Чунончи бундай маъсулиятни бажаришда оила, ота-она муҳим ва ҳал қилувчи рол уйнайди. Халқимизнинг бутун жаҳонга машҳур бўлган Имом Бухорой, Ал-Термизий, Фаробий, Беруний, Ал-Хорозмий, Ибн Сино, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Улутбек, Навоий, Аҳмад Дониш ва Абдулла Авлоний каби забардаст фарзандларининг бевосита оила ва фарзандлар тарбияси хусусидаги фикрларни ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш мавруди келди.

Шу алоҳида таъкидлаш керакки, Шарқда яратилган қатор мусулмон этикасининг ноёб намуналари бўлган асрлар ёшларни маънавий-ахлоқий шакллантиришда асосий мезон, қоида, қўлланма, маслаҳатдан иборат пандномалар сифатида хизмат қилиб келган Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», «Кайковуснинг

«Қобуснома», Шайх Саъдийнинг «Гулистон», «Бустон», Абдурахмон Жомийнинг «Бахористон», «Навоийнинг», «Маҳбуб-ул-қулуб», Муҳаммад Солиқ Қашгарийнинг Адаб ас-сошкий «Яхшинор одоби» каби асарлари ўзбек миллий ахлоқини, маънавиятини, қадриятларини юксалтиришда катта эътиборга молик шах асарлардир.

Оилани мустаҳкамлаш, фарзандларини комил инсонлар қилиб тарбиялашда бевосита Шарқ мутафаккирларининг меросидан миллий қадриятлар сифатида фойдаланиш ҳозирги кунда оилалардаги мавжуд айрим нотабий муносабатлар, юритиш тарзининг синиб кетган қонуниятларини ўзбек оиласига зўрма-зўраки киритилган тарбия усулларини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. 74 йиллик мустамлака даврида айрим ўзбек оилалардаги миллийлик ўз шакли, мазмунини йўқота борди. Ҳатто мен ўзбекман дейишга миллатидан орланишгача бориб етган вақтлари ҳам бўлган.

Бундай қарашнинг оқибат натижаларини нафақат ёшлар, балки ота-оналарининг ўзларининг ўзбек тилини менсимай, русча гаплашишда миллий урф одатлар, яъни қадриятларини менсимай эскилик сарқийети деб қарашларида, оилада болалар тарбиясида гарб ва рус маданиятига тақлид қилишда, оилада ўзаро бир-бири билан муносабатларини кўриш мумкин. Мана шундай нуқсонларни йўқотиш ва олдини олишда оилани мустаҳкамлашда, унда усаётган фарзандларни комил инсонлар қилиб тарбиялашда шарқ мутафаккирларининг бебаҳо фикрлари, дурдона асарлари, уларнинг панд-насиҳатлари, ривоятларидан оқилона фойдаланиб, уларга амал қилиб иш олиб бориш тарбияда кўзланган мақсадга эришишнинг муҳим омил эканлиги нафақат фанда, балки кундалик турмуш фаолиятида ҳам исботланган. Бу асарлар ўз равонлиги, қизиқарлиги, оҳангдорлиги ҳамда гоёвий мазмуни маънавий ҳаётийлиги билан ақққа яқинлиги билан тарбиялашда ўзгача муҳим аҳамият касб этади. Мутафаккирларнинг ҳикмат сўзлари билан бирга, қарашлари ва умуммаърифий орзуларни тараннум этувчи воқеа ва ҳодисалар ўзининг тарбиявий мазмуни билан ёшларни комил инсонлар бўлиб тарбиялашда асосий омил сифатида хизмат қилади.

Болалар оилада, тенгдошлари орасида мактабда кўчада ахлоқий тарбияга таяниб борилади. Махсус мактаб ўқитувчиларни тарбиячилари ўқувчиларни ҳаётга, меҳнатга тайёрлар эканлар уларни шар вақт камтар, ҳалоқ ўзларининг ҳис-ҳаяжонларини тутиб туришга, ватанни севиш, меҳнат қилиш одамларга нисбатан меҳрибон ва тамхўр бўлишга ўргатадилар.

Ахлоқий тарбия вазифалари.

1. Махсус мактаб ўқувчиларининг ватанга, жамиятга меҳнатга ўзга бошқаларга муносабатларини англаб олишга қаратилган ахлоқий туйғуларга таяниш
2. Ахлоқий онг мустаҳкам ахлоқий эътиқодга таяниш

3. Одоб куникмалари ва одатларига таяниш

Ахлоқий таянишининг асосий мақсади ва вазифаси ҳар бир болада фаол ҳаётий нуқтаний назар ҳосил қилишдан иборат. Психожисмонан камчилиги бор болаларни ахлоқий тарбиялашда мактаб олдида турган вазифалардан бири ўқувчиларнинг ҳулқида ўқишида ва меҳнатда интизомликни танлашдан иборат.

Ҳиссий иродавий камчиликлар билан боғланган ахлоқий таяниш, қийинчиликларни йўқотиш мақсадида болаларни ишлаб чиқариш ва жамоага оид ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш катта аҳамиятга эга. Болалар ҳулқидаги ҳам улар ахлоқий тарбиясида маълум қийинчиликлар келтириб чиқаради. Характер - бу ҳаётий таъсир ва тарбия натижасида тулланган ва мустаҳкамланган кишилар ҳулқ-одати ва аниқ муносабат услубидир.

Ахлоқий тарбиянинг қўйидаги принциплари мавжуд:

- ахлоқий тарбиянинг мақсад сари йўналганлиги;
- ҳаёт билан боғлаб олиб борилиши;
- жамоа учун ва жамоа орқали тарбиялаш;
- боланинг шахсига нисбаттан ҳурмат ва унинг ҳулқида нисбаттан талабчанлик;
- тарбиянинг ягона бир бутун жараён эканлиги;
 - ахлоқий тарбияда онглилик ва изчинлик.

Ўқитувчи ва тарбиячилар тарбияналаётган асосий сифатларининг характерларига, уларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларига қараб ҳар хил усул ва йўлларида ўз ўрнида усталик билан фойдалангандангина тарбияни натижаси кутилгандек бўлиши мумкин.

Тарбия моҳиятини тушунишга мувофиқ бу умумий усулларини икки асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ижтимоий ахлоқий тартиб топтириш усуллари - ўргатиш ва машқ қилдириш, намуна кўрсатиш, ўйин, тошшириқлар бериш, мусобақалар ўтказиш.
2. Ахлоқий онгни таркиб топтириш - суҳбатлар, мунозаралар, адабий асарлар ва кинофильмларни муҳокама қилиш.

Психожисмонан камчилиги бор болаларни ахлоқий тарбиялаш учун қўйидагиларга аҳамият бериш лозим:

1. Маълум тоифадаги нуқсонли болаларга тегишли умумий индивидуал хусусиятларни аниқлаш учун уларни атрофлича ўрганиш. Бирламчи ва иккиламчи нуқсонларни таҳлил этиш.
2. Нуқсонли болаларнинг нисбатан сақланган кучли имкониятларини аниқлаш ва шунга асосланиб иш олиб бориш.

3. Педагогик жараённинг болалар нуқсонларини тўғрилаш ва уларнинг ўрнини тўлдиришга қаратилиши. Асосий эътиборни тарбияга осон бериладиган иккиламчи нуқсонларга қаратиш.
4. Айрим болаларга индивидуал ёндошиш. Махсус мактабнинг махсус тарбиявий фаолияти шахсни тарбиялашга қаратилган бўлиб, у ахлоқий тарбиянинг қуйидаги вазифаларини ҳал этади:
 - ахлоқий онгни мустаҳкам ахлоқий эътиқодни тарбиялаш махсус мактаб ўқувчиларининг Ватанга, жамиятга, меҳнатга ўзича бошқаларга муносабатини англаб олишга қаратилган ахлоқий туйғуларни тарбиялаш;
 - одоб кўникмалари ва одатларини тарбиялаш. Ахлоқий тарбиянинг асосий мақсади ва вазифаси ҳар бир болада фаол ҳаётий нуқтаи назар ҳосил қилишдан иборат.

Текшириш саволлари :

1. Ахлоқий тарбия нима?
2. Ахлоқий тарбия ҳақида Шарқ мутафаккирларнинг қарашлари нималардан иборат?
3. Ўзбек миллий урф-одатларининг ахлоқий тарбиядаги роли?
4. Психо-жисмонан камчилиги бор болаларда ахлоқий тарбияни олиб боришда нималарга асосланамиз?

Мавзу : Ривожланишида психо-жисмонан камчилиги бор болаларда меҳнат тарбияси

Режа:

1. Меҳнат тарбияси
2. Психо-физик нуқсонларни тузатишда меҳнат тарбиясининг аҳамияти.
3. Меҳнат тарбияси воситалари.

Адабиётлар :

1. Аксинов Д.Е. О трудовом воспитании. Учебное пособие для студента педагогических институтов, Москва 1981 г.
2. С.Я.Батишев Трудовая подготовка школьников, Москва 1981 г.
3. Ф.И.Ивашенко Психология трудового воспитания.

1. Ҳозирги даврда меҳнат тарбияси бошқа тарбия турларидан ҳар тарафлама устунлиги билан ажралиб туриши керак. Меҳнат тарбияси болаларни атрофлича ривожлантириш ва ҳаётга, меҳнатга тайёрлашнинг асосидир. Меҳнат тарбиясининг вазифалари ўқувчиларни меҳнат малака ва кўникмалар билан қуроллантириш,

меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш уларда жамоа ҳисларини таркиб топшириш ва хулқ меъёрларини шакллантиришдан иборат. Меҳнат тарбияси турли фаолиятларда ўқув маиший ва ижтимоий меҳнатда амалга ошириб борилади.

Психо-жисмонан камчилиги бор болаларда ижтимоий фойдали меҳнат, катта аҳамиятга эга. Буларга ўз-ўзига хизмат қилиш турли кечалар ташкил этиш ва ўтказиш кўргазмалар, конкурслар мактабни ободонлаштириш, тўғарақ ишлари киради. Меҳнат тарбияси орқали болалар турли фанларга оид назарий билимлар олиш билан бирга уларда шахсий сифатлар шаклланиб бориши асосида, меҳнат даволаш вазифаларини ҳам утайди. Меҳнат тарбияси мақсад асосида системали тарзда олиб борилади.

2. Меҳнат жараёнида ўқувчиларда маъсулият ижтимоий мулкни эҳтиёт қилиш интизом ижодий фаоллик каби ахлоқий фазилатлар шаклланиб боради. Меҳнат жараёнида махсус мактаб ўқувчиларида ақлий эстетик ва жисмоний сифатлар ривожлантириб боради. Меҳнат жараёнида ўқувчилар меҳнатнинг санитария, гигиена техника халфсизлиги қоидаларига риоя қилишга ургатилади. Бола ўзига хизмат қилишга ургатилади. Болалар ота-оналарнинг меҳнатига ҳурмат билан қарашни оиланинг кичик аъзоларига ғамхўрлик қилиш руҳини тарбиялашга ургатади. Ўқувчиларда ахлоқий тушунча мустаҳкамланади. Улар жамоатчилик фаолиятига қизиқа бошлайдилар. Бундай меҳнат натижасида уларда одат, эҳтиёжлар шаклланади. Мақсад сари интилиш ривожланиб боради.

3. Болаларни меҳнатда тарбиялаш жараёни тулақонди бўлиши учун қатор талабларга ва шарт-шароитларга амал қилиши керак.

1. Болалар меҳнатга қанча эрта жалб этилса, унинг меҳнат тарбияси шунчалик муваффақиятли утади.
2. Болаларнинг меҳнати ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши керак.
3. Чарчоқ ҳиссини тутдирадиган меҳнатгина болаларга қувонч бағишлайди. На жисмоний, на ақлий куч талаб этмайдиган энгил меҳнат самара бермайди.
4. Агар бола меҳнат топширигини бажаргандан кейин ўз муваффақиятидан қувонса, қилган иши билан фахрланса, ҳақиқий инсон сифатида камол топади.
5. Болалар меҳнати дам олиш билан алмаштирилиб борилиши лозим.
6. Ҳар қандай меҳнат топшириги фойдали, имкони борича натижали бўлиши керак.
7. Унумли меҳнатда болаларнинг шахсий, моддий манфаатдорлигини рад этиш керак эмас.
8. Меҳнат фаолиятини ташкил қилиш ахлоқий тарбия билан боғланиши лозим.
9. Меҳнат ақли махсус мактаб ўқувчиларининг ёш индивидуал психо-физик хусусиятларига монанд бўлиши керак.

Махсус мактабларда болалар вақтини шундай ташкил этиш керакки, улар мияси фикрлашсиз, қули ишсиз қолмасин, акс ҳолда қатор нохуш ҳолатлар кўнгилсиз воқеалар рўй бериши мумкин.

Меҳнат жараёнида ўқувчиларнинг дарсда олган билимлари мустаҳкамланиб боради.

Меҳнат тарбияси болаларнинг жисмонан бақувват бўлишига олиб келади. Бу эса коррекцион мақсаднинг асосий вазифаларидан биридир. Махсус мактаб ўқувчиларида ўз кучига ишонмаслик тормозланиш, ланжлик хислатлари кузатилади. Меҳнат тарбияси орқали мана шу хислатлар йўқотилиб борилади. Меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинishi керак. Махсус мактаб ўқувчилари орасида моторикасида камчилиги бўлган болалар учрайди. Бундай болалар ҳам меҳнатда ўз ўринларини топишлари керак. Бундай болалар махсус аппаратлар ёрдамида ишлашлари мумкин.

Меҳнатта психологик тайёрланиш

Махсус мактабда ўқишнинг биринчи кунларидан бошлаб ўқувчиларни меҳнатта психологик тайёрлаб боришлари лозим. Психологик тайёргарлик орқали болаларда меҳнатга қизиқиш, уларда интеллектуал, иродавий, эмоционал хислатлар шакллантирилиб борилади. Ўқувчиларда меҳнат қилиш жараёнида мустақиллик, ўз ишига янгилик киритиш хислатларини шакллантириш катта аҳамиятга эга. Меҳнат қилиш жисмоний ва ақлий куч сарф қилишни талаб этади. Шунинг учун болаларни меҳнатга психологик тайёрлашда уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш керак, ўқувчиларда илмга қизиқишни уйғотиш лозим. Махсус мактабда маълум система асосида утиладиган фан ва меҳнат дарслари ўқувчиларнинг сенсолюторикасини ривожлантиришга зарур шароит яратади. Бунга яна синфдан ташқари ўтказиладиган ҳаракатли ўқишлар, жисмоний тарбия, ритмика ашула, мусиқа дарслари киради. Болаларда меҳнатга қизиқишини уйғотишда катталар меҳнати билан танишиш. Меҳнат қаҳрамонлари билан учрашувлар ўтказиш, меҳнат байрамларини ўтказиш яхши натижа беради. Меҳнат тарбияси жараёнида болаларни мактабга яқин бўлган участкаларга олиб чиқиш. Масалан хўжалиқда мева ва сабзавотларни теришда ўқувчилар ёрдам беришидир.

7-8 синфларда меҳнат темасида олиб бориладиган суҳбатлар айниқса жиддий характерга эга чунки болалар мактабни битириб, мустақил ҳаётга, меҳнат қилишга тайёргарлик куришлари керак. Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашда фақатгина меҳнат ўқитувчисигина иш олиб бормай, балки бутун мактаб ўқитувчилари биргалиқда иш олиб боришлари лозим.

Уқувчиларни меҳнатта амалий томондан тайёрлаш.

Уқувчиларни меҳнатта амалий тайёрлаш деганда - уларда меҳнат кўникмаси малакасини ва меҳнат тажрибасини шакллантириш тушунилади.

Махсус мактабда бу кўникма ва малакалар уқувчиларда асосан меҳнат дарсларида, мактаб участкаларида ишлаш пайтида ҳосил қилинади.

1-3 синфларда қўл меҳнати қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- а) болаларни ўз-ўзига хизмат қилишга ургатиш;
- б) қоғоз ва картон билан ишлаш;
- в) лой, пластилин билан ишлаш;
- г) ёғоч билан ишлаш.

Қўл меҳнати дарсида уқувчилар бир-бирлари билан муносабатда буладилар, уларнинг майда қўл мускуллари ҳаракатини ривожлантириб борилади, болалар мустақил ишлашга урганиб борадилар.

Ўз-ўзига хизмат қилиш биринчи меҳнат вазифаси ҳисобланади. Ўз ўрнини йиғиштириш, кийимларини тозалаш ва ҳоказога ухшаган ишлар орқали болада меҳнат кўникмаси ҳосил бўла боради. Лекин махсус мактаб уқувчиларнинг ҳаммаси ҳам бундай вазифаларни уйида бажармаган. Шунинг учун ҳам мактаб-интернатда ўқийдиган болаларнинг барчасига бу вазифалар ургатиб борилади. Ўз-ўзига хизмат қилиш орқали болаларда тозалikka, санитария гигиена қоидаларига риоя қилишни ургатиб борилади.

Махсус мактаб уқувчиларининг мускуллари, умумий жисмоний ривожланиши суст бўлганлиги сабабли улар меҳнат қилиш жараёнида тез чарчаб қолишлари мумкин, натижада меҳнатга қизиқмаслик ҳоллари кузатилади. Шунинг учун ўқитувчилар иш тақсимлаётганларида шу иш маълум бир миқдорда боланинг кучига тўғри келишига эътибор беришлари лозим.

Уқувчилар меҳнатини, бажарган ишларни баҳолашда биргина ўқитувчигина эмас, балки уқувчилар ҳам қатнашишлари керак. Бу борада ўқувчида ўзи бажарган ишига уртоқларининг ишига танқидий муносабатда бўлишини ургатиб борилади.

Бизнинг жамиятда бажариладиган меҳнатнинг барча турлари жамиятимизга фойда келтирадиган характериға эға бўлиши керак. Махсус мактабни битирган ҳар бир ўқувчи қорхонада ишлашға боради. Қорхонада бола фақатгина ўз ишини бажарибгина қолмай, балки жамоат ишларида ҳам актив қатнашишиға ургатиб борилиши керак.

Меҳнат тарбиясида самарадорликка эришиш учун қуйидаги педагогик талабларға риоя қилиш лозим:

- меҳнат мактабининг барча таълим тарбиявий вазифаларига бўйсунтиш;

- меҳнат болалар қизиқишига мос қилиб, тушунарли бўлиши;
- меҳнат жараёнининг мақсади бола учун равшан бўлиши;
- меҳнат жараёнида ақлий ва жисмоний меҳнатни қўшиб олиб бориш.

Меҳнатнинг умумий вазифаларига қуйидаги махсус вазифалар орқали эришиш мумкин:

- болаларни меҳнатга нисбатан психологик ва амалий тайёрлаш;
- коллектив меҳнат малакаларини шакллантириш;
- меҳнат маданияти кўникмаларини сингдириш ва жисмоний ишларни ижодий фикрлаш билан қўшиб олиб бориш.

Махсус мактаблардаги меҳнат тарбиясининг вазифаларига ўқитувчиларни меҳнат малака ва кўникмалари билан қуроллантириш, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, коллектив ҳисларини тарбиялаш, ҳуққ нормаларини шакллантириш киради.

Махсус мактаблардаги меҳнат тарбияси турли фаолиятларда ўқув, майшиш, ижтимоий меҳнатга амалга ошириб борилади.

Текшириш саволлари :

1. Меҳнат тарбияси ўз ичига нималарни олади?
2. Махсус мактабларда меҳнат тарбияси нималарга асосланади?
3. Меҳнат тарбияси психо-жисмонан камчилиги бор боланинг шаклланишида қандай аҳамиятга эга?

Мавзу: Тарбия усуллари.

Режа:

1. Тарбия усуллари.
2. Оғзақи усул.
3. Кўргазмали усул.
4. Амалий иш усули
5. Рақобатлантириш мукофатлаш, танбех бериш, жазолаш усуллари.

Адабиётлар:

1. Тарбиявий иш методикаси
2. Козлов И.В, Коротов В.М, Лихачёв В.Т. Методика воспитательного процесса Под.общ ред. Короткова Москва 1969 г.
3. Мамедов А. Сагатов, П.П.Глатова Олигофренопедагогика асослари. Тошкент., Ўқитувчиси 1994 й.

Тарбия усуллари деганда ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш мақсадида боланинг онги, ҳис туйғулари иродаси ҳуққ атвори ва муносабатлари тизимига таъсир кўрсатиш усулини тушуниш керак. Тарбия усуллари болага таъсир кўрсатишдангина

ибораг эмас. Тарбия икки томонлама жараён булиб укувчи тарбиячи фаолияти билан укувчи фаолиятини бирлаштиради.

Боланинг тарбиявий таъсирига фаол тайёр булишига эришиш учун уни муайян шароитга қўйиш унинг фаол фаолиятини ташкил этиш керак. Психожисмонан камчилиги бор болага тарбия усулларининг қўлланиш самарадорлиги ва ҳаракатланувчи кучлари Психожисмонан камчилиги бор болаларнинг индивидуал типологик хусусиятлари ва тарбияланганлик даражаси билан боғлиқ. Тарбия усулини тадбиқ этиш муайян ёшдаги бола фаолиятининг етакчи типига, болаларнинг руҳий жисмоний ҳолатига мос булиши зарур.

2. Оғзаки усул тушунтириши суҳбат савол-жавоблар асосида олиб брилиди. Тарбия усуларидан бири намуна асосида тарбиялашдир. Боланинг яхши хулқи учун уртоқларига намуна қилб кўрсатиш ақли заиф ва нутқида нуқсонли, бор болага катта таъсир этади. У янада яхшироқ булишига ҳаракат қилади. Тарбия усуллари ичида рағбатлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Агар бир болага эслатиш ёки шама қилиш кифоя бўлса, бошқаси қаттикроқ талаб қўйиш керак бўлади. Уқитувчи тарбиячи болаларнинг хулқ атворидан, унинг муносабатларидан намуна бўлсама болага уз хулқини кузатиб олишда ёрдам кўрсатиш учун жазолаш усулидан ҳам фойдаланади. Мақтов сингари жазо ҳам боланинг хулқ атворининг йўлга солиб туради. Унинг уялишига мажбур қилади. шу сабабли бу усулдан боланинг индивидуал хусусиятларини яхши билган ҳолда фойдаланиш дарҳол.

Болалар билан тарбиявий ишда фойдаланиладиган нарсалар (кўрғазмали қуроллар китоблар, радио, телевидение) ҳам болалар жам қилинадиган фаолият турлари тарбия воситалари бўла олади. Кино фильмлар, санъат асарлари, болаларнинг уйинчоқлари, ҳавоскорлик тугараклари, тарбия воситалари вазифасини бажаради. Тарбия мувофайият қозониш учун оилада ва мактабда бола ҳаётини шундай ташкил этиш зарурки бу нарса бунинг учун зерикарли мазмунсиз, мажбурий бўлмасдан ақли заиф болаларни ёмон ўрнақдан ҳасат қилишга, унга қарши туришга ўргатиш лозим. Ҳар бир шахс алоҳида такрорланмас шахс сифатида узига хос равишда ривожланишга эришиш лозим.

Тарбиячиларнинг таъкидлашича, тарбия тўғрида қаттиқ ҳаракатга ўргатувчи машқдан бошқа нарса эмас. Машқ болаларнинг оқилона бир мақсадга қаратилган ва ҳар томонлама фаолиятни қабул қилинган ахлоқий нормалар ва қоидаларига мувофиқ ташкил этишидир. Машқ муайян ҳаракатлар ва ишларини кўп марта такрорлашни ўз ичига олади. Бола учун машқ онгли ижодий жараён булиши керак. Турли машқалар натижасида болаларда малака кўникмалар, одатлар шакллантирилиб, янги билимлар ҳосил қилинади, ахлоқий қобилият ривожланади. Бундан ташқари Уқувчилар билан экскурсиялар ташкил этиш, меҳнат қаҳрамонлари

маҳсус мактаб битирувчилари билан, учрашувлар ташкил этиш бола шахсининг ривожланишига яхши натижалар беради.

Тарбияда маъқуллаш ва жазолаш методи.

Бу методлар олдинги гуруҳдан фарқ қилади. Маъқуллаш болани яхши ишга, ижобий хатти ҳаракатга ундовчи туртки булиб, хизмат қилади жазолаш эса, номақбул ҳаракатларни ёки хулқидаги салбий томонларни йўқотишга ёрдам беради. Бу усулларнинг биронтаси алоҳида қўлланиши мумкин эмас, якка қўлланганда улар кутган натижани бермайди. Шунинг учун жазолаш ва маъқуллаш олдинги гуруҳ усуллар билан биргаликда қўланади.

Тарбия системасида рағбатлантириш бола шахсини ҳурмат қилишга асосланади ва болаларда қалди қиммат туйғусини тарбиялашга қаратилган.

1. Рағбатлантириш ва жазолашда боланинг шахси эмас, балки айни вақтдаги хатти-ҳаракати, хулқидаги яхши ёки ёмонликли қўрсатувчи қимматлари назарда тутилади.
2. Бу методдан фойдаланганда боланинг индивидуал хусусияти, ҳозирги ҳолати, коллективдаги ўзоро муносабатлар муҳити ҳисобга олинади.
3. Рағбатлантириш ҳам жазолаш ҳам болага нисбатан тез-тез қўллашмаслиги керак. Акс ҳолда уларнинг таъсири камаяди.
4. Рағбатлантириш ва жазолаш ёлғиз болага нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Ишонч билдириш. Болалар айниқса бошланғич синфлар ўқувчилари ўз ўқитувчиларни чин қалбдан севадилар ва уларга ишонадилар. Шунинг учун ҳам кичик ёшдаги боллар олдида ўқитувчи ҳурмати ва одоби, обрўси катта бўлиши керак.

Мукофатлаш. Юқори ўзлаштирилиши ва намуналий халқи учун ўқувчилар бирор буюм билан мукофатланади. Мукофат болаларни янада яхшироқ ўқишга одабли бўлишга, яхши фазилатлар ортиришга илҳомлантиради.

Жазолаш. Жазо болалардаги ёмон қилиқлари салбий ҳаракатлар, одобсизлиқлари йўқотишга ёрдам берадиган ёки улардан сақлайдиган усуллардан биридир. Болаларни булар бўлмаста жазолайвериш зарарли. Ножўя хатти ҳаракати учун болани қоралаш, жеркиш, койиш, бақириниш мумкин эмас.

Болаларга нисбатан жазо чораларини қўллашда А.С.Макаренко қўрсатган қуйидаги педагогик талабларига риоя қилиш керак:

-жазо беришдан мақсад қуруқ жисмоний азоблаш бўлмаслиги ва ҳақиқатда бундай азоб берилмаслиги лозим.

-жазо олувчи бола, коллектив, унинг манфаати кўзланаётганлигини тушунган ёки коллектив ундан нимани ва нима

учун талаб қилаётганлигини билган тақдирдагини жазо берилади маъно чиқади.

-агар айбдор бола коллективга буйсунаман, энди бундай қилмайман деса баъзан жазо бекор қилиниши мумкин.

-жазо чораларининг ўзидан кўра бу жазонинг берилиши вақти ва шу муносабат билан коллектив томонидан айбдорнинг қораланиши муҳимроқ ўрин тутади.

-жазо айбдорни тарбиялайдиган бўлиши лозим. Айбдор нима учун жоза олаётганини аниқ билиши ва жазонинг маъносиги тушуниши лозим.

Махсус мактабда қулланадиган асосий жазо чоралари – ўқувчининг синф раҳбари илмий мудир ёки директорининг танбеҳи синф ўқувчилари олдида огоҳлантириш, бажарилмаган уй вазифасини бажариш учун дарсдан кейин олиб қолиш хуақига қўйилган баҳони пасайтириш.

Ўқитувчилар ва мактаб раҳбарларига сурункасига буйсунмаган ҳамда интизомни қўпол равишда бузган ўқувчиларга нисбатан энг охирги чора сифатида мактабдан ҳайдаш жазоси қўлланиши мумкин.

Уялтириш- болани ҳамма вақт ҳам сидқи дилдан тавба қилишга олиб бормади. Бола бошқалар олдида шарманда бўлмаслик, қизармаслик учун нотўғри хатти ҳаракатлари қилмасликка ёки яширинча қилишга интилади. Болаларни ўртоқлари ўртасида иложи борича камроқ уялтириш керак.

Танбеҳ бериш, койиш – бола бемани қилиқ қилганини тушунтириш ва огоҳлантиришдир. Болаларнинг салбий ҳаракатлари тартибни бузганликлари учун уларни койиб туриш керак.

Текшириш саволлари:

1. Тарбия усули деганда нимани тушунасиш?
2. Оғзаки усулни тушунтириб беринг?
3. Қургазмали ва амалий усулларга нималар киради?
4. Мукофотлаш, жазолаш, танбеҳ бериш уялтириш усуллари қандай олиб борилиши керак?

